



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ш.З.Нарзиев

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ўқитувчиси,
майор

Шодмонов Диёрбек Эмурод ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси курсанти, сафдор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17579330>

ARTICLE INFO

Received: 1st November 2025

Accepted: 2nd November 2025

Published: 11th November 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш фаолияти ўзининг муайян ҳуқуқий асосларига эга. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уларнинг юридик кучига кўра, қонунлар ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ажратиш мумкин.

Конституциямиз дунё сиёсий харитасида янги суверен демократик давлат – Ўзбекистон Республикаси қарор топганлигини қонунлаштирди. Ўтган йиллар ичида асосий қонунимизга таяниб, республикамиз ички ишлар органлари тизимида бир қатор ислохотлар амалга оширилди.

Профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари қуйидагилар:

Бу мустақил Ўзбекистонинимизнинг бош қомуси ҳисобланмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир.

Жамоат тартиби соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда асосий ўринни конституциявий нормалар эгаллайди. Ушбу нормалар давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларига Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя қилиш мажбуриятини юклайди, жумладан, “конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, ҳалқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади”.

Профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш фаолиятини бевосита тартибга солишга хизмат қилмасида, ушбу соҳадаги айрим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва қонун ости ҳужжатлари мавжуд бўлиб, уларга амал қилиниши муҳимдир, ушбу норматив ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин бўлади. Жумладан;

- Ўзбекистон Республикасининг Жамоат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун;
- Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс;
- Жиноят кодекс;
- Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун;

– Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ва шу каби қонун ва қонуности ҳужжатларидан иборат.

Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуннинг 2-моддасига асосан Ички ишлар органларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган.

Жумладан, Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат.

Ички ишлар органлари фаолиятни ўз ваколатлари доирасида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

– фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

– жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш;

– терговга қадар текширувни, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки терговни ўтказиш;

– жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш, шу жумладан террорчилик ҳаракатларига чек қўйишда ҳамда гаровга олинганларни озод қилишда иштирок этиш йўли билан курашиш, шунингдек одам савдосига қарши курашиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш;

– эҳтиёт чораларини, жиноий жазони ва жиноий-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини ижро этиш, шунингдек шахсларни қидириш бўйича ишларни ташкил этиш;

– маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, маъмурий жазоларни қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш;

– йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

– паспорт тизими талабларининг бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ва унга кириш учун зарур бўлган ҳужжатларни, доимий ва вақтинча яшаш учун рухсатномаларни беришга ҳамда расмийлаштиришга доир ишларни, паспорт тизимига ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилишни амалга ошириш;

– фуқаровий ва хизмат қуролининг ҳамда унинг ўқ-дориларининг, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларнинг, шунингдек пиротехника буюмларининг, гиёҳвандлик воситаларининг, улар аналогларининг, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши соҳасини назорат қилиш;

– давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани қўриқлаш;

– лицензиялаш ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш, шунингдек лицензия ва рухсат этишга оид талабларга ҳамда шартларга риоя этилишини назорат қилиш;

– ҳарбий-сафарбарлик ишларини ва фуқаро муҳофазаси тадбирларини амалга ошириш;

– қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш каби йўналишларда ўз фаолиятини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги янги таҳрирдаги 2019 йил 2 апрелдаги қонуни бўлиб, унда маъмурий назорат ўрнатиш тартиби ва асослари, бундай назоратга олинган шахсларга белгиланадиган

чекловлар, ички ишлар органлари ходимларининг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, назоратдаги шахснинг мажбуриятлари ҳамда ушбу назоратни амалга ошириш тартиби белгилаб берилган, шунингдек, ички ишлар органларининг таянч пункти субъектларининг муқаддам судланганлар томонидан такроран жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг ижтимоий мослашуви билан боғлиқ фаолият тартибга солинган Ўзбекистон Республикасининг “Норкологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги [1] 2020 йил 27 октябрдаги қонуни ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика инспекторларига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамоат тартибини бузувчи, қолаверса, аҳолининг осойишталиги, саломатлиги ва маънавиятига хавф туғдирувчи сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка қарши кураш ва уларнинг олдини олиш фаолиятини, уларнинг бу борадаги кенг кўламли фаолиятини тартибга солади.

Профилактика инспекторининг жамоат таритби сақлаш фаолиятининг ташкилий асосларидан бири бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 26 мартдаги **“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-6196 сонли фармонидир[2]. Ушбу фармонда нафақат, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини, балки энг асосийси мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ўрнатилган механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоатчилик тузилмаларининг куч ва воситаларини мувофиқлаштирган ҳолда сафарбар қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилди хусусан:

Ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш; ҳудудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда “жиноят ўчоқлари”ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

“республика — вилоят — туман — маҳалла” тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

Ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш уларнинг масъулиятини ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш каби ислохотлар амалга оширилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Норкологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги 2020 йил 27 октябрдаги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 26 мартдаги **“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-6196 сонли фармони.